

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

|  |                   |
|--|-------------------|
| <b>Б.Холматова</b>   |                   |
| Маънавий маданият тараққиётида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқадорлиги .....                   | 167               |
| <b>А.Шарафиддинов</b>  |                   |
| XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолиси ва унинг ўсиш динамикаси.....                             | 170               |
| <b>Д.Алиязарова</b>  |                   |
| Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги гуманитар алоқалар.....                      | 173               |
| <b>Ш.Мамадалиев</b>  |                   |
| Болалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича совет ҳокимиятининг фаолияти (1917 – 1921).....           | 176               |
| <b>М.Мўминова, И.Якубов</b>  |                   |
| Кетрин Мансфилд ҳикояларидаги ёлғизлик .....   | 178               |
| <b>Н.Хошимова</b>  |                   |
| Ассоциацияларнинг фоносемантик тадқиқи .....   | 180               |
| <b>Н.Аббасова</b>  |                   |
| Тил ўргатиш жараёнида инглиз мақол ва маталларини ўқитиш муаммолари.....                                       | 183               |
| <b>Ш.Юсупова</b>   |                   |
| Ўзбек тилига хос асосий диний концептлар ҳақида .....  | 187               |
| <b>М.Курбанова, Д.Юсупова</b>  |                   |
| Замонавий инглиз тилида “to force” феълининг функционал-семантик ва парадигматик тавсифи.....                  | 190               |
| <b>М.Ғофурова</b>  |                   |
| Инглиз тилида қўлланиладиган варвариизмларнинг функционал – семантик хусусиятлари .....                        | 193               |
| <b>М.Исломова</b>  |                   |
| Ҳаёт ҳақиқати ва аллегорик тасвир.....   | 197               |
| <b>С.Исроилова</b>   |                   |
| Ҳикоят (притча)нинг бадиий адабиётдаги ўрни.....   | 200               |
| <b>М.Мадазимова</b>  |                   |
| Чингиз Айтматов ижодида архетип образлар ва уларнинг функцияси.....  | 203               |
| <b>М.Ҳожиева</b>   |                   |
| Назира ва унинг мумтоз адабиёт тарихидаги ўрни.....  | 206               |
| <b>М.Ходжаева</b>  |                   |
| Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси.....   | 208               |
| <b>М.Қаҳҳорова, Г.Астонова</b>   |                   |
| Замонавий дарсликларда ёзиш кўникмаларини ривожлантириш усуллари.....  | 211               |
| <b>Н.Ўринова, З.Жакбарова</b>  |                   |
| Талабаларда ижтимоий-маданий компетентликни шакллантиришнинг педагогик-психологик муаммолари .....             | 214               |
| <b>Д.Ҳайдарова</b>   |                   |
| Нофилологик олий ўқув юртлари талабаларининг чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни..... | 217               |
| <b>Ф.Мирзараҳимова</b>   |                   |
| Чет тилини ўқитишда ижтимоий-маданий воситалардан фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....                          | 220               |
| <b>М.Қурбонова</b>   |                   |
| Ўқитувчиларни ўқитиш ва психологик таълимнинг устуворликлари .....   | 225               |
|  | ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ |
| <b>УСТОЗЛАР САРДОРИ</b> .....  | 227               |
| <b>МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИ</b> .....  | 231               |

УДК: 93/99+323.112

## ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ҚЎҚОН ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА УНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ

### НАСЕЛЕНИЕ ГОРОДА КОКАНДА В КОНЦЕ ХІХ– НАЧАЛЕ ХХ ВВ. И ДИНАМИКА ЕГО РОСТА

### POPULATION OF THE CITY OF KOKAND IN THE LATE XIX – EARLY XX CENTURIES AND ITS GROWTH DYNAMICS

**А.Шарафиддинов**

#### **Аннотация**

Мақолада ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолисининг таркиби ва унинг ўсиш динамикаси архив материаллари асосида ёритиб берилган.

#### **Аннотация**

В статье на основе архивных материалов освещается состав населения города Коканда, а также динамика его прироста в конце ХІХ – начале ХХ вв.

#### **Annotation**

The article highlights the composition of the population of the city of Kokand, as well as the dynamics of its growth in the late XIX – early XX centuries on the basis of archival materials.

**Таянч сўз ва иборалар:** Қўқон, шаҳар, аҳоли, таркиб, ўсиш, динамика, архив материаллари.

**Ключевые слова и выражения:** Коканд, город, население, состав, рост, динамика, архивные материалы.

**Keywords and expressions:** Kokand, city, population, composition, growth, dynamics, archival materials.

Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олинishi арафасида Қўқон шаҳри Тошкентдан кейинги энг йирик шаҳар ҳисобланар эди. Х.Потаниннинг 1829–1830 йиллардаги Қўқон шаҳри ҳақида берган маълумотида шаҳар 23 квадрат верстга тенг майдонга эга экани, унда уч мингга яқин хонадон бўлиб, аёллардан ташқари 15000 аҳоли истиқомат қилганлиги қайд этилган [6,227].

В.В.Вельяминов-Зерновнинг айтишича, 1850 йилларда шаҳарда 8 минг хонадон 30000 га яқин аҳоли бор эди [1]. Таъкидлаш кераки, Қўқон шаҳри хонликнинг маркази сифатида тез ривожланиб борди, бу хол айниқса ХІХ асрнинг 70-йилларига келганда яна ҳам яқол намоён бўлди.

Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейинги шаҳар аҳолисининг сони ва таркиби ҳақидаги маълумотлар хилма-хилдир.

Жумладан, 1877 йил Қўқон уезди бошлиғининг Фарғона вилоят бошқармасига 1876 йил юзасидан Қўқон шаҳри тўғрисида берган статистик ҳисоботида шаҳар тўғрисида ҳақиқатга яқин маълумотлар

берилади. Унда кўрсатилишича, 1876 йил Қўқон шаҳрида 3 та руслар ихтиёрида ва 7801 та маҳаллий аҳолига қарашли хонадон бўлиб, уларда 187 рус эракалари ва 90 рус аёллари, 18871 маҳаллий эрака ва 15554 нафар аёл бўлиб, шаҳарда жами 34702 нафар киши яшаган [9]. Шунингдек, шаҳарда 42350 таноб ҳовлилар, 220 таноб майдон, 4194516 таноб экинзорлар, 3.5 таноб бозор, раста, шу каби давлат ва умумий бинолари жойлашган ҳудудлар мавжуд бўлган.

Бу маълумотлар турли бўлимлар томонидан тўпланган, аксарият шаҳар даҳаларининг оқсоқоллари бу маълумотларни ўзи билганларича, баъзан айрим хўжаликлар таркибини маҳаллалар бошлиқларидан сўраш орқали аниқлаб берганлар. Маҳаллий аҳолининг берган маълумотларига асосланиб тузилган бу рўйхатлар албатта ноаниқликлардан ҳоли эмас эди.

1884 йилда Туркистон давлат палатаси томонидан ташкил этилган ижтимоий хўжалик бошқармаси солиқ-йиғиш учун солиқ тўловчилар сони ва уларнинг иқтисодий имкониятларини аниқлаб олиш мақсадида йиғилган маълумотларга кўра, Қўқон шаҳрида 774 хонадон бўлиб,

**А.Шарафиддинов** – Фарғона давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

уларда 302 руслар (армия бундан мустасно), 50000 ўзбеклар, 2460 тожиклар, 420 қирғизлар, 410 лўлилар, 340 яҳудийлар, 73 тунгони, 21 индус, 17 афғон, ҳаммаси бўлиб 54043 нафар киши яшаган, деб кўрсатилади [10].

1885 йил Фарғона вилоятининг барча уезд ва шаҳарларида аҳоли сонининг ўсиш миқдорини аниқлаш мақсадида аҳоли рўйхатдан ўтказилган. Унда кўрсатилишича, шу йили Қўқон шаҳрида 223 православ, 8 католик, 7 лютеран, 345 яҳудий, 53688 мусулмон, 20 турли диндаги, жами 54291 нафар киши яшаган [11].

Шунингдек, шаҳар аҳолиси таркибида қуйидаги қатламларга мансуб кишилар, яъни кам сонли наслий дворянлар (4 нафар), оқсуяк зодагонлар (27 нафар), турли тоифадаги амалдорлар (50 нафар) мавжуд эди. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, аҳоли рўйхатдан ўтказилганда, маҳаллий аҳоли эътиборга олинмаган.

Қўқон аҳолиси ўз миллий таркиби жиҳатидан жуда хилма-хил бўлган. Бу ерда асосан ўзбеклар, руслар, қирғизлар, тожиклар, яҳудийлар яшар эди. 1887 йилдаги Қўқон шаҳри аҳолисининг ижтимоий таркиби билан танишар эканмиз, аҳолининг асосий қисмини қуйидаги табақалар ташкил этганлигини кўришимиз мумкин:

Чунончи, 1887 йил маълумотларига қараганда, 3069 киши (кишилар сони оила аъзоларидан ташқари) саноатчи ва хунарманд косиблар; 2196 киши савдогарлар; 371 киши дворян ва манаплар; аҳолининг қолган қисмини деҳқонлар, ишчилар ва бошқалар ташкил этган. Шу йил шаҳарда 26629 нафар эркак, 25767 нафар аёл истиқомат қилган.

Умуман, XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон шаҳри аҳолисининг ўсиш динамикасини қуйидаги 1-жадвалдан билишимиз мумкин [2,76; 3,55–56; 7,379]:

1-жадвал

| Йиллар | Аҳоли сони | Йиллар | Аҳоли сони |
|--------|------------|--------|------------|
| 1880   | 34805      | 1899   | 84494      |
| 1885   | 34320      | 1900   | 86604      |
| 1890   | 51215      | 1905   | 100575     |
| 1892   | 52127      | 1907   | 111189     |
| 1894   | 80000      | 1910   | 113636     |
| 1897   | 81354      | 1913   | 117000     |
| 1898   | 82559      | 1914   | 120000     |

Бу маълумотлар Қўқон шаҳри аҳолисининг нисбатан тез ўсганлигига гувоҳлик беради. Шаҳар аҳолиси асосан ҳарбийлар, амалдорлар, савдогарлар ва Россиянинг турли губернияларидан келган корхона эгалари, кўчиб келувчилар ҳамда вилоятнинг турли жойларидан иш қидириб келган кишилар ҳисобига кўпайиб борган.

Таъкидлаш жоизки, XX аср бошларига келиб шаҳар аҳолиси сони тезлик билан ўсиб борди. Бунинг асосий сабаби аҳолининг табиий кўпайиши билан бирга шаҳарда кўплаб саноат корхоналарининг ташкил этилиши, савдо компаниялари, турли биржа ва банкларнинг ортиб боришида ҳам эди.

Туркистон ўлкасини 1908 йилда ревизия қилган подшо амалдори К.К.Палсин ҳам ўз ҳисоботида ўлканинг айрим шаҳарларида аҳоли сонининг тез ўсиб борганлигини эътироф этган ва бунинг асосий сабабларидан бири қилиб ўлка Россия империяси томонидан босиб

олинганидан кейин бу ерга кўплаб Россиянинг турли губернияларидан келган турли халқ вакиллари ҳисобига ортиб борганлигини кўрсатган эди [5: 60].

Шуни айтиш керакки, Қўқон шаҳри ўлканинг айрим шаҳарлари сингари (масалан, Тошкент, Самарқанд каби) дастлабки даврларда “Янги” ва “Эски” шаҳарга бўлинмай келди. Бу ҳол то шаҳар 1899 йилда темирўл билан боғлангунига қадар давом этди. Темирўлнинг кириб келиши, Қўқон шаҳрини марказий Россия шаҳарлари билан боғлади. Россия саноати учун хом ашё етказиб берувчи муҳим ҳудуд ҳисобланган Фарғона вилояти ва унинг шаҳарларига кўплаб саноат ҳамда банк капиталининг кириб келиши кучайди. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарда капиталистик муносабатларнинг жонланишига, завод-фабрикалар, савдо-сотик ширкатлари, фирмалари ва йирик банклар, биржа комитетининг вужудга келишига олиб келди. Шунинг баробарида шаҳарда саноатчи ва

савдогарлар учун янги турар жойлар, кўчалар ҳамда маъмурий биноларнинг қурилиши бошланди. Бу ҳол Қўқонда ҳам “янги шаҳар”нинг ажралиб чиқишига туртки бўлди. Бундай омиллар ўлка шаҳарлари, шу жумладан, Қўқоннинг туб аҳолиси ҳаётига ҳам капиталистик элементларнинг кириб кела бошлаганлигини кўрсатади.

Маҳаллий меҳнаткашларнинг вакиллари саноат ва савдо муносабатларига аста-секин тортила бордилар. Савдо-саноат муносабатларининг ўсиб бориши, шаҳарда аҳоли сонининг йилдан йилга ортиб боришига ҳамда ишчилар синфининг шаклланишига олиб келди.

Масалан, агар Қўқонда 1900 йили завод ва фабрикаларда ҳамда ҳунармандчилик корхоналарида ҳаммаси бўлиб 7768 нафар ишчи (оила аъзоларидан ташқари) ишлаган бўлса [4,42], 1913 йилга келиб саноат корхоналарининг ўзидагина 2495 киши ва ҳунармандчилик корхоналарида 6833 нафар киши (оила аъзоларидан ташқари) ишлади [12].

XX аср бошларида аҳолининг умумий миқдори ҳам тезлик билан ўсиб борди.

Масалан, 1909 йилдаги “Фарғона вилоятида аҳоли жойларининг рўйхати”да кўрсатилишича, шаҳарнинг рус қисмида, яъни “Янги шаҳар”да 464 хонадон бўлиб, уларда 1383 нафари эркак ва 1107 нафари аёл (руслар) кишилар, “Эски шаҳар”да эса 12823 хонадонда 58629 нафар эркак ва 51309 нафар аёлдан иборат маҳаллий аҳоли яшаган.

Аҳоли сонининг ортиб бориши баробарида XX аср бошларига келиб шаҳарда кўплаб турар жой биноларининг қурилишини ҳам ўсиб борганлигини кўраимиз. Масалан, 1876 йилда шаҳарда 6814 та хонадон бўлган бўлса, 1913 йилда 15276 та, 1910 йилда 16504 та хонадон бўлиб, 1916 йилга келганда уларнинг сони 18400 тани ташкил этган [8].

Кўриниб турибдики, Қўқон шаҳри савдо-сотиқ ва саноат маркази бўлибгина қолмай, балки ўзининг катталиги жиҳатидан ҳам ўлкада етакчи ўринда бўлган. Шу билан бирга, таъкидлаш ўринлики, Туркистон ўлкасининг барча шаҳарлари каби Қўқон шаҳри аҳолисининг ҳам асосий қисмини меҳнаткаш халқ оммаси ташкил этган.

#### Адабиётлар:

1. Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник РГО. 1856. – Ср. III.
2. Зоорская В.В., Александер К.К. Промышленные заведения Туркистанского края. – Санкт-Петербург, 1915.
3. Материалы для изучения хлопководства. – Санкт-Петербург, 1914.
4. Обзор Ферганской области за 1900 год. – Новый Маргилан, 1901.
5. Палсин К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркистане. – ч. I. – отд. II. – Санкт-Петербург, 1911.
6. Потанин Х. Записки о Кокандском ханстве // Вестник РГО. 1855.
7. Путеводитель по Туркестану и Средне-Азиатской последней дороге. – Санкт-Петербург, 1903.
8. РФМДА, Санкт-Петербург. 1290-фонд, 5-буйрук, 2013-иш, 16-17 вв.
9. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 10565-иш, 42-45 вв.
10. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 1458-иш, 346-347 вв.
11. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 13626-иш, 6-7 вв.
12. Статистический обзор Ферганской области за 1916 год. – Скобелев, 1916. – Приложение № 10.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)